

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ЁШЛАР — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДҚОРЛАРИ

Президентимиз жорий йил 14 февраль куни мамлакатимиз ёшлари билан ўтказилган тарихий учрашувда ёшлар сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, ёш авлод билан боғлиқ энг долзарб масалаларни ҳал этиш, белгиланган вазифалар ижросига ёндашувни тубдан такомиллаштириш юзасидан аниқ ташаббус ва таклифларни илгари сурганди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари ёшларни билимли, ватанпарвар, глобал миқёсда рақобатбардош инсонлар этиб тарбиялашдек улкан мақсад атрофида жамиятни бирлашишга чақирди. Жумладан, “Энди барча тизимдаги раҳбарлар ёшларнинг баралла овозини эшитишга мажбур. Ёшлар буюк келажагимизнинг асосий бўғини эканлигини тушулмаган раҳбар бизнинг сафимизда бўлишга ҳаққи йўқ”, деди.

Шу куни Президентимиз ёшларимиз тақдирига бевосита дахлдор бўлган 3 та муҳим ҳужжатни имзолаганини эълон қилди. Мазкур қарорлар ёшлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ёшлар билан ишлаш соҳасида янги тартиб-таомилларни белгилаб берди.

Ушбу топшириқлар асосида 9,2 миллионли “Ёшлар баландси” шакллантирилиб, уларнинг индивидуал муаммоларини



ҳал этиш, қизиқиш ва иқтидорини рўёбга чиқариш бўйича республика ёшлар комиссияси назорати остида аниқ ва манзилли ишлар йўлга қўйилди.

Бунда ҳар бир раҳбар ва масъул ходимнинг шахсий масъулияти, темир интизоми ва профессионал маҳорати ижро интизомининг муҳим пойдевори бўлмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижро-

сини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият қўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-

да”ги қарори асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан янги тизим жорий қилинди. Унга кўра, ҳар ойда топшириқлар ижроси бўйича календарь режа ҳамда агентлик директори ўринбосарлари бўйича алоҳида “йўл хариталари” ишлаб чиқилиб, “Ijro.gov.uz” тизимидаги топшириқлар ижроси кунбай назоратга олинди.

➤ Давоми 3-бетда

15 июнь — ШХТ ташкил топган кун

ИШОНЧ — ХАВФСИЗЛИК, ТИНЧЛИК ВА ЎЗARO БОғЛИҚЛИКДА РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Ҳар бир даврнинг муҳим хусусиятларини ўзига қамраб олувчи тушунчалар, мавзулар бўлади. Воқелик эътиборлироқ ёки озгина синчковлик билан таҳлил қилинса, буни англаб олиш қийин эмас. Англаш мумкин бўлган ўзига хос жиҳатларни кўлам, аҳамият, даврийлик, яққоллик ёхуд бошқа шу каби муайян нуқтаи назардан қараган ҳолда турли тоифага ажратиш мумкин. Шундай муҳим мавзулар, алоҳида аҳамият касб этувчи айрим тушунчалар ҳам борки, улар барча замон ва ҳар қандай маконга бир хил даражада тааллуқли бўлади.



Йиллар силсиласи ҳам ўзгартира олмайдиган, ўз мавқеини асло йўқотмайдиган тушунчалар сифатида ИШОНЧ мавзусини далил сифатида кўрсатиш мумкин.

Ишонч, аслида, инсонга хос кўп қиррали психологик тушунча. Унинг замирида, энг аввало, инсоннинг ўз кўнглига мос келувчи хислатларга эга бўлган бошқа шахсга нисбатан хайрихоҳлик туйғулари яширинган. Бунда мазкур шахснинг ўзига хос хусусиятлари, хусусан, ўзгани ром этувчи маҳорат ва қобилияти ижобий аҳамият касб этади.

Бу туйғуга эришишда, халқ тилида айтганда, ишонч қозонишда эркинлик ва холислик ўта муҳим. Ишончнинг юзага келишида самимийлик, инсон қалбини ўртайдиган даражада поклик муҳим аҳамиятга эга.

Шу маънода, ишончни баҳолай билиш лозим. Ёлғонга таянган ишонч, аслида, ишончсизликдир. Ишонтиришга қаратилган алдовни, таъбир жоиз бўлса, ишончни суниётсёмол қилиш деб тушуниш мумкин.

Жамият ва давлатнинг мавжудлиги инсонларнинг ўзаро муносабатига таянади. Жамият ёки давлат бўлмаса ҳам инсон яшاشи мумкин, бироқ инсонсиз жамият ёки давлатни тасаввур этиб бўлмайди. Мазкур мантиқ инсонга ишонч тушунчасини жамият ёки давлатга нисбатан ҳам қўллаш хато эмаслигини англатади. Шу маънода, давлатлар ўртасидаги ишонч ушбу давлатларда яшовчи халқларнинг бир-бирига ўзаро ишончидан ташкил топиши ҳам аён ҳақиқат.

Бир донишманд жамият ва инсонлар ўртасидаги муносабатларни ягона ижтимоий матога, унинг асосий таркибий қисmini эса ишонча қиёслаб, инсонлар ўз муносабати, шахсиятини ўзаро боғламас экан, бу мато йиртилиб кетишини, оқибатда турли низо ва қарама-қаршиликлар юзага келишини таъкидлаган.

➤ Давоми 3-бетда

Тараққиёт одимлари

ИНВЕСТИТОРЛАРГА ОЧИҚ, ЭРКИН, ЖОЗИБАДОР МАМЛАКАТ

Пойтахтимизда шу йил 10-12 июнь кунлари муваффақиятли ўтказилган тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий интеграциядаги мавқеини мустаҳкамлашда янги тарихий босқич бўлди. Қолаверса, ушбу форум янги Ўзбекистоннинг иқтисодий дипломатиясида муҳим аҳамиятга эга навбатдаги катта ютуқдир.



Бу йилги форум аввалгиларидан кўлами ва аҳамияти жиҳатидан сезиларли даражада фарқланди. 7500 дан ортиқ делегат, жумладан, қарийб 100 мамлакатдан 3000 га яқин хорижий меҳмон иштирокидаги тадбир Ўзбекистоннинг глобал инвестиция жамиятида тутган ўрнини яққол кўрсатди.

Форум доирасида илк бор ташкил этилган инвестиция кўргазмаси йирик маҳалли хусусий компанияларга ўз салоҳиятини халқаро ҳамкорларга намойиш этиш имконини берди. Бу тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий секторнинг ҳиссасини ошириш йўлидаги амалий қадамдир.

Давлатимиз раҳбарининг Хорижий инвесторлар кенгаши мажлисидаги нутқи янги Ўзбекистоннинг очкилик ва прагматизм тамойилларига асосланган инвестиция сиёсатини намоён этди. Президентимизнинг “Биз инвесторлар учун очик, эркин, барқарор ва ишончли мамлакат — янги Ўзбекистонни барпо этмоқдамиз” деган фикри мамлакатимизнинг стратегик йўналишини англатади. Очкилик ва прагматизм тамойилларига асосланган ёндашув халқаро иқтисодий ҳамжамият билан йўлга қўйилаётган муносабатларимизнинг мазмунини белгилайди.

➤ Давоми 2-бетда

Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан ўтган йили Ўзбекистонга киритилган қарийб 1 миллиард долларлик рекорд инвестиция халқаро молия институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизнинг яққол натижасидир. Мамлакатимиз ушбу банкнинг минтақавий йирик ҳамкори мақомига эга бўлишини дипломатик мувозанат ва иқтисодий прагматизмнинг самарали бирлашуви натижаси сифатида баҳолаш лозим.

Халқаро молия корпорацияси, Ernst & Young, Dentons, Knauf каби нуфузли халқаро компанияларнинг миллий қонунчиликни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича таклифлари 10 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорларда концептуал ифодасини топди. Бу қонунчилик тизимимизнинг халқаро талабларга мутаносиблигини таъминлашдаги изчил ва мақсадли ишларнинг самарали натижасидир.

Ўзбекистонда базавий солиқ ставкаларининг 2028 йилгача ўзгармаслиги тўғрисидаги расмий эълон инвесторлар учун прогностлашувчанлик ва барқарорликни кафолатлайди ҳамда давлат сиёсатининг инвестиция муҳити барқарорлигини таъминлашдаги узоқ муддатли характерини белгилайди.

➤ Давоми 2-бетда

ДУНЁДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁХУД ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДУНЁ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИГА БИР НАЗАР

Муносабат

Баъзан дунё харитасида ёнма-ён, бақамти яшаётган давлатларнинг ўзаро низолашув ва урушларини қўриб, ҳайрон бўласиз киши: ахир улар кўп асрлар давомида бир жойда яшапти, бир ариқдан сув ичяпти. Уларнинг ҳеч бири ҳеч қачон ўз ерини ташлаб кетмайди, демак, улар иноқ бўлиб яшашга мажбур. Бироқ нима учундир бу ҳақиқат айримларга сабоқ бўлмаётир.



Биз тарихан бир заминда аҳил-иноқ бўлиб яшаганмиз. Динимиз, урф-одатимиз, тоғу адирлар, чашмао дарёларимиз бир. Либосларимиздаги айрим белгиларни ҳисобга олмасак, юзимиз, юриш-туришимиздан ажратиб бўлмайди. Надоматлар

бўлсинки, кейинги юз йиллик ичида ана шу бирлигимизга путур етди. Марказий Осиёда Туркистон мухторияти ўрнига янги республикалар ташкил этилиши уларнинг мустақиллигидан кўра ожизлигига сабаб бўлди: ҳар ким кўрпани ўзи томон

тортишга интилди. Шу пайтгача кўринмаган ва бир-бирига ўхшаш урф-одатлар, менталитетлар алоҳида бўлиб қолди.

Майли, келинг, тарихни қайтадан эсга олиб, воқеаларни муҳокама қилиб ўтирмайлик. Зеро, бу ҳақда жуда кўп айтилипти, ёзилапти. Бу ҳақиқатни жуда кўпчилик англаб етди, англаб етмаганларга эса тушунтиришнинг ҳожати йўқ. Бугунги асосий мақсадимиз — Яратганининг инояти билан бизларга аталган ана шу она заминда яшаётган аҳоли ўртасида ҳақиқий биродарлик, ўзаро мустаҳкам ҳамкорликни таъминлашдир.

Президентимизнинг оқилона сиёсати туфайли Марказий Осиёда ҳамкорлигининг янги босқичига эришилди: қўшма корхоналар кундан кун кўпаймоқда, маданий, маърифий алоқаларнинг чек-чегараси йўқ. Бу ҳамкорликка Туркий давлатлар ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари машваратлари далда бўлмоқда. Шу сабабли қисқа муддат ичида айнан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан минтақадаги жуда кўп чегаравий низоларга барҳам берилди.

➤ Давоми 2-бетда

Ижтимоий ҳимоя

АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАРНИ ТАЗЙИҚДАН АСРАШ, МУҲОҲАЗА ҚИЛИШ ИНСОНИЙЛИК ВА АДОЛАТ УЧУН КУРАШДИР

Инсон кадри, ҳуқуқлари... Асримиз бошига келиб, бу масала неча минг йиллик тарихимизда энг барқарор даражага чиққан эди, назаримда: инсон ҳуқуқларига доир кўплаб халқаро ҳужжатлар қабул қилинган, аксарият давлатлар томонидан улар ратификация қилинган ва амалига кенг миқёсда киришилган пайтлар.

Афсуски, орадан чорак аср ўтар-ўтмас, инсон кадри тушунчасига, умумий миқёсда олиб қараганда, путур етди. Дунёнинг турли минтақаларида авж олаётган қуролли тўқнашувлар, ўзаро низолашув ва қарама-қаршиликлар, савдо урушлари бу тизгинни издан чиқарди. Беқарорлик сабаб

ҳар куни кўплаб бегуноҳ одамлар ёстиги қуриётгани, қанчадан қанча замондошларимиз очликдан азият чекаётгани, таълим ва тиббиёт, умуман, ҳаловатидан мосуво экани ҳақидаги хабарларни ўқиялмиз.

➤ Давоми 2-бетда

Обод манзиллар

“ТУРИЗМ МАҲАЛЛАСИ” МАҚОМИ БЕЖИЗ БЕРИЛМАЙДИ



ИНВЕСТИТОРЛАРГА ОЧИҚ, ЭРКИН, ЖОЗИБАДОР МАМЛАКАТ

Тараққиёт одимлари

Бошланиши 1-бетда

“Яшил иқтисодиёт” ва инновацион ривожланиш йўналишида эришилган натижалар алоҳида стратегик аҳамиятга эга. “ACWA Power”, “Masdar”, “Linde”, “Total Energies” компанияларининг 8 миллиард доллардан зиёд инвестиция билан “яшил” энергетика соҳасига киритаётган катта ҳиссаси мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдаги жиддий интилиши ва амалий қадамларини яққол намоён этиди.

“DataVoli” компаниясининг минтақадаги энг йирик “яшил дата марказ”ни барпо этиши рақамли иқтисодиёт ривожига стратегик аҳамиятга эга муҳим қадамдир. Парламент ҳам “яшил” технологиялар ва рақамли инновацияларни қўллаб-қувватловчи қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича фаол ва изчил фаолият юритмоқда.

Давлат-хусусий шериклик тизимининг ривожланиши масаласи ҳам форум эътибор марказидаги йўналиш бўлди. Жорий



Мавлуда ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари

йилда йўл қурилиши, транспорт, энергетика, сув таъминоти соҳаларида 4,5 миллиард долларлик давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг бошланиши инфратузилма ривожланишига комплекс ёндашувни намоён этиди. Сўнгги икки йилда хо-

рижий капитал иштирокида 5500 та янги корхона ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 16 мингтага етгани мамлакатимизнинг инвестиция жозибадорлигини оширишдаги муваффақиятини тасдиқлайди.

“IV Тошкент халқаро инвестиция форумида тақдим этилган 30 миллиард долларлик лойиҳалар мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини халқаро миқёсда яққол намоён этиш билан бирга, барқарор тараққиётимизга замин яратди. Бу кўрсаткич мамлакатимизнинг очик, прагматик ва муваффақиятли инвестиция сиёсатининг аниқ далилидир.

Давлатимиз раҳбарининг “Сизларни юртимизга шунчаки сармоя киритишга эмас, балки муваффақиятимиз тарихининг чинакам иштирокчиларига, биз яратётган буюк келажакнинг ажралмас қисмига айланишга чорлаймиз”, деган даъвати узоқ муддатли ҳамкорлик тамойилларини белгилайди. Шунингдек, ҳар бир инвестиция лойиҳаси янги Ўзбекистон қурилишининг муҳим таркибий қисми бўлиши зарурлигини таъкидлайди. Мамлакатимизда бошланган кенг қамровли ислохотлар ортага қайтмас тус олгани бор гап. Халқаро ҳамжамият билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида юртимизни минтақанинг йирик иқтисодий марказига айлантириш асосий стратегик мақсадларимиздан. Форум натижалари янги Ўзбекистон қурилишининг барча соҳада давом этаётган трансформация жараёнини тезлаштиради ва мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий тизимдаги ўрнини янада мустаҳкамлайди.

Муносабат

Дунёдаги Ўзбекистон ёхуд Ўзбекистондаги дунё

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИГА БИР НАЗАР



Фармон ТОШЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист

Бошланиши 1-бетда

Бир сўз билан айтганда, Марказий Осиё бирлашпти, биргаликда жаҳон саҳнасига, хусусан, жаҳон бозорига интилмоқда. Яқинда Тошкентда “Марказий Осиё — 2050: барқарорлик ва умумий фаровонлик сари йўл” мавзусидаги биринчи минтақавий форумда минтақа келажиги муҳокама қилинди. Ушбу тадбир ҳужжатлари билан танишар эканман, анжуман қатнашчиларининг фикрлари менда катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, таҳлилчи Азиза Умарованинг “Минтақа давлатлари алоҳида-алоҳида гапирса, биз қизиқиш уйғотмаймиз. Ўзимизни нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё фуқаролари сифатида қабул қилишимиз учун минтақавий ўзига хосликни ишлаб чиқиш муҳим. Биз бунини амалга ошириш қанчалик реал эканини баҳолашни давом эттирамиз”, деган гаплари каминани ҳам бу борада фикр билдиришга чорлади.

Табиики, гап Марказий Осиёнинг 2050 йилгача бўлган ривожланиш сценарийлари устида бормоқда.

Албатта, икки аср давомида алоҳида-алоҳида яшашга, ўз манфаатини алоҳида-алоҳида қилишга ўрганган ўлкалар ва халқлар учун ҳамкорлик осон кечмайди. Бу ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Биз Европа миқёсида Евроиттифоқнинг ўша минтақадаги давлатларга ижобий таъсирини, турли давлатлар халқларининг ҳамкорликка эришганини кўрдик. Демак, бу тажрибани ўзимизда қўлла-сак ҳам бўлади.

Ўзбекистон дунёга чиқяпти, халқаро муносабатларда ўрнини топяпти. Дунё ҳам Ўзбекистонга интиляпти. Негаки, у ҳамма билан манфаатли шериклик, ҳамкорлик қилишга тайёр. Негаки, дунёнинг глобал муаммолари, жумладан, Ўзбекистон ташаббуси ва жонқуярлиги туфайли ҳам ҳал этилмоқда. Қизғин шундаки, бу муаммолар ечимига айнан Ўзбекистондаги форум ва учрашувларда ечим топилаётган.

Назаримда, “Биз Марказий осийлик-миз” шioriини шу минтақадаги фуқаролар онгига синдириш, энг аввало, фидойий зиёлиларнинг вазифасидир. Бинобарин, жадид боболаримиз ўз вақтида айнан ана шундай шарофат ишни бажара олган. Фақат мустабид тузумгина уларнинг режаларини йўққа чиқарган.

Эътиборли жиҳати, минтақа давлатлари раҳбарларининг биргаликдаги ёки ўзаро мулоқотларида барча соҳа ва тармоқлар бўйича ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашиш, айнққса, минтақа ёшлари ўртасида

тўғридан тўғри мулоқотларни йўлга қўйиш, спорт мусобақалари ва маданий тадбирларни мунтазам ўтказишга доир муҳим тақлиф ва ташаббуслар илгари сурияпти. Ишончим комилки, ёшларимизнинг дўст, ҳамфикр бўлиб, минтақа манфаатлари борасида муштарак мақсадлар билан халқаро майдонга чиқиши, Марказий Осиё давлатлари ўртасида мунтазам спорт мусобақалари ўтказилиши халқларимизнинг бир-бирига меҳр-муҳаббатини ошириши, бирлигимизни янада жипслаштириши табиий.

Кўриб турибмики, сайёҳлик деярли барча қўшни давлатларимиз билан кундан кунга ривожланиб бормоқда. Бу ишни ҳам янги босқичга олиб чиқиш зарур. Аслида, бу жараён жуда қизғин кетаяпти. Масалан, биргина Самарқанднинг ўзида деярли ҳар ҳафта, албатта, қўшни давлатларнинг қай бириданбир маданий-маърифий йўналишда делегациялар келади. Биз самарқандлик адибларнинг қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилига ўтирилган ёки аксинча, ушбу тиллардан ўзбек тилига таржима қилинган китоблари тақдиротларини ўтказаяпти. Бундай тадбирлар, табиийки, қўшни давлатларда ҳам бор. Спорт бўйича очик чемпионатларимизга қўшни давлатлардан вакиллар келяпти. Айнққса, миллий байрамлари биргаликда нишонлаётганимиз бирлигимизни таъминлашга замин бўлмоқда.

Биз қадимдан бир элмиз. Тилимиз турлича бўлса-да, битта дилда гапирганимиз ва бугунги кунда ўзимизни таништиришда гўрур билан “Мен Марказий Осиёданман!” дея олишимизни жуда-жуда истайман.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Ижтимоий ҳимоя

АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАРНИ ТАЗҲИҚДАН АСРАШ, МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

ИНСОНИЙЛИК ВА АДОЛАТ УЧУН КУРАШДИР



Дилноза НУРИЛЛАЕВА,
Нурафшон шахри “Инсон”
ижтимоий хизматлар маркази
психологлар гуруҳи бош мутахассиси

Бошланиши 1-бетда

Мана шундай глобал мураккаб бир вазиятда кўнгилга таскин берадиган, фавқатгина таскин эмас, юракларга фаҳр-ифтихор, ғайратимизга шижоат, келажакка ишонч берадиган алоҳида бир жиҳат бор. Бу — инсон қадри тамойили мамлакатимизда кечаётган тарихий янгиланиш жараёнлари, ортага қайтмас ислохотларнинг туб моҳияти, ўзагини ташкил этаётгани. Ҳа, юртимизда бундан

7-8 йил аввал “Инсон қадри учун” тамойили асосида бошланган ислохотлар бугун катта самара бермоқда.

Таъкидлаш ўринлики, яқин-яқингача амалда бўлган “давлат — жамият — инсон” тамойили “инсон — жамият — давлат” тамойилига ўзгартирилди. Ўзбекистон ижтимоий давлат экани янги таҳрирдаги Конституциямизда мустаҳкамланди. Айни пайтда ушбу тамойил асосида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатиш қамрови ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “**Инсон қадрини улуғлаш, халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, шу асосда одамларни ҳаётдан рози қилиш — янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг бош мақсадидир.**”

Ижтимоий ҳимоя соҳасида давлат сиёсатини амалга оширадиган янги тузилма — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. Жойларда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари иш бошлади.

Психолог сифатида ушбу тизимда ишлаётганим, ёрдамга муҳтож юртдошларимиз, жамиятимиз ривожига фойдам тегаетганидан гурурланаман. Аслида, ҳар бир инсон қадрли. Афсуски, ҳозирги кунда ҳам хотин-қизлар турли шакллардаги зуравонлик ва таъзияқча дуч



келаетгани бор гап. Бу ҳолатлар жамиятнинг соғлом ривожланишига жиддий таҳдид солади. Айнққса, жисмоний, руҳий ва иқтисодий таъзияқ кўрган аёллар учун психологик ёрдам ҳаётда қайта йўл топиш имконини яратди.

Аёлни тинглаш унинг ҳаётини сақлаб қолиш демақдир. Зуравонликдан азият чеккан аёлларнинг аксарияти нафақат жисмонан, балки руҳан ҳам синиб қолади. Уларни тинглаш, тушуниш, руҳий барқарорликни тиклаш учун мунтазам равишда амалга оширилаётган психологик хизматлар бу ўринда катта аҳамиятга эга. Нурафшон шахрида шу йўналишга масъул мутахассис сифатида айни пайтга қадар таъзияқ ва зуравонликка учраган юздан зиёд хотин-қиз ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига психологик хизматлар кўрсатилганини алоҳида таъкидлашни истардим.

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказида хотин-қизлар учун бепул ва махфий психологик ёрдам кўрсатилмоқда. Бу хизматлар қўйилгани йўналишларни ўз ичига олади:

— тинглаш ва қўллаб-қувватлаш — аёлларни айбламасдан эшитиш, уларга ишонч муҳитини яратиш;

— стрессни енгиш ва руҳий барқарорликни тиклаш — индивидуал ва гуруҳли суҳбатлар, машғуллотлар;

— ҳуқуқий йўл-йўриқ бериш, зарурат бўлса, ҳуқуқшунослар билан ҳамкорликда ишлаш;

— фарзандлар билан ишлаш — зуравонлик гувоҳи бўлган болаларга алоҳида ёрдам кўрсатиш.

Аёлга ёрдам бериш — фақат у билан эмас, балки унинг фарзандлари, келажак ва бугун жамият билан ишлаш демақдир. Таъзияқ ва зуравонликка қарши курашда жамоатчилик фаоллиги жуда муҳим. Қўшнимиз, танишимиз ёрдамга муҳтож бўлса, бефарқ бўлмаслигимиз керак. Ҳар бир оилда хотин-қизлар хавфсизлик, ҳурмат ва меҳр муҳитида яшаши учун ҳамкорликда ҳаракат қилишимиз лозим. Зеро, зуравонликка қарши кураш бу — инсонийлик ва адолат учун курашдир.

Обод манзиллар

Риштон туманидаги Мамадали Топволдиев номидаги маҳалла фуқаролар йиғинига “Туризм маҳалласи” мақоми берилди. Бу бежиз эмас, албатта. Риштон қулолчилик мактаби қарийб 800 йиллик тарихга эга. Ушбу мактабнинг бугунги ривожига шу қадим масканда умргузаронлик қилаётган уста қулолчларнинг хизмати беқийс. Оддий сиз тупроқдан мўйина яратётган қулоллар давомида дунё сайёҳларини ҳайратга солиб келмоқда.



“ТУРИЗМ МАҲАЛЛАСИ” МАҚОМИ БЕЖИЗ БЕРИЛМАЙДИ

Ҳозир маҳаллада 850 та оила, 2,5 мингта яқин киши истиқомат қилади. Худуд туман марказида жойлашгани боис, азалдан сайёҳлар учун муҳим қўналга бўлиб келган. Қолаверса, бу ерда Халқаро қулолчилик маркази, Хўжа Рушноий, Соҳибни Ҳидоя зиёратгоҳлари, Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони Мамадали Топволдиев номидаги тарихий музей, “Корон плюс” қулолчилик корхонаси ва музейи каби диққатга сазовор жойлар бор.

— Маҳаллага туризм мақоми бежиз берилмади, — дейди Фаргона вилояти туризм бошқармаси бошлиғи ўринбосари Музафар Темиров. — Бу ерда битта хостел, 13 та оилавий меҳмон уйи, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун клиника, савдо дўконлари, миллий таомлар ошхоналари, интернет тармоғи, иссиқ ва совуқ сув таъминоти, гид хизмати каби инфратузилмалар мавжуд. Шунингдек, маданий ва тарихий зиёратгоҳлар ва асосийси, қулолчилик, ҳунармандчилик устоналари бор. Бу устоналарда сайёҳлар лойдан маҳсулот тайёрлаш жараёнини кузатиши, ўзлари ҳам ясаб қўриши, сотиб олиши мумкин.

Сайёҳлар учун хавфсизлик, коммунал ва банк хизматлари, қўлай меҳмонхона, овқатланиш объектилари фаолияти ҳам зарур. Бу жиҳатларисз сайёҳларни “ушлаб қолиш” имконсиз. Шу маънода, мазкур маҳаллада халқаро сайёҳлик талаблари асосида қатор бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Худуд 24/7 тартибда ишловчи масканга айлантирилди. Қўчалар ва ўтиш жойлари тунги ёриткичлар билан жиҳозланди, жамоат тартиби, фуқаролар хавфсизлигини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида замонавий ҳуқуқ-тартибот маскани биноси фойдаланишга топширилди. Сайёҳлик фирмаси вакиллари, турагентлар учун қўлай шарт-шароит яратилди. Қолаверса, янги сервислар йўлга қўйилди.

— Сайёҳлар хонадонимизда қулолчилик буюмлари ишлаб чиқариш жараёни билан танишиши мумкин, — дейди ҳунарманд Аҳмаджон Қўрбоннов. — Оддий лой тайёрлашдан тортиб, қолиларга солиш, ишлов бериш, гул солиш, пишириш жараёни кўпчилик учун жуда қизиқ. Шу боис, сайёҳлар ишшимизни соатлаб томоша қилади. Баъзи меҳмонлар ўзи идиш ясаб кўради. Маҳалламизга “Туризм маҳалласи” мақоми берилганидан мамнунмиз. Бу фаолиятимиз қўламини янада кенгайтириш, сайёҳларга манзур бўладиган ноёб маҳсулот турларини тайёрлаш имконини беради.

“Корон плюс” МЧЖ раҳбари Равшан Тожиқдодов қулоллар сулоласи давомчиларидан. Унинг бобоси, отаси уста қулол бўлган. Шу ҳунари билан оила тебратган, ҳал меҳнати ортдан қадр-қиммат топган. Қулол бобомерос ҳунарга ўзига хос жило, сайқал бериб, мафтункорлиги, жозибадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Корхонада юздан ортққ маҳаллий ёш ишлади. Улар 300 турга



яқин нафис ва бетакор қулолчилик буюмлари, қошин ва нақшлар тайёрлайди.

Кўргазма заидан ўрин олган қулолчилик буюмларини кўрган киши тупроқдан ясалган мўйизга қаринсизда лол қолади. Буюмлар орасида баландлиги 2 метр 70 сантиметр бўлган улкан кўза, 40 килограмм ош снғадиган, диаметри 1 метр 20 сантиметрли ларган ҳам бор. Бу сопол буюмларини қўлга олиб чегсангиз, ундан таралган сас мисоли куйга айланиб, узоқ вақт қўлғингиз остида жаранглаб туради.

— Маҳалламиздаги Хўжа Рушноий зиёратгоҳида умумий қиймати 1,5 миллиард сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собиржон Мадаминнов. — Нагизада сайёҳлар, зиёратчилар учун қўлай шарт-шароит яратилди. Шунга қарамай, ҳали қилинадиган ишлар бисёр, режалар кўп. Асосийси, маҳалламизда туризмни ривожлантириш орқали одамлар даромадини ошириш, худудни янада обод ва файзли масканга айлантириш. Бизда бундай имконият бор. Масалан, ҳозир Хўжа Рушноий қадимжосига ҳар йили ўртача 100 мингдан ортққ зиёратчи келади. Режадаги ишлар сабаб бу кўрсаткични янада ошириш мумкин.

Маҳаллада агротуризм борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Бунинг учун меҳмонларга аҳоли томорқасида экин парвариши кўрсатилди. Қизқувчи сайёҳлар қўлига кетмон ёки белкурак олиб, бир оз муддат тер тўкиши мумкин.

— Яқин-яқинда сайёҳ ва меҳмонлар учун оддий меҳмонхона, хизмат кўрсатиш масканлари йўқ эди, — дейди Фаргона вилояти туризм бошқармаси етакчи мутахассиси Баҳодир Эрматов. — Бугун бу борадаги ишлар салмоғи кескин ошди. Президентимизнинг шу йил 27 февралдаги “Хизматлар соҳаси барқарор ривожланиши учун қўлай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида 12 та маҳалла фуқаролар йиғини туризм маҳалласига айлантирилади. Уларда савдо ва сервис ривожлантирилади. Бунинг учун “йўл харитаси” ишлаб чиқилган. Бу борадаги ишлар аллақачон бошлаб юборилган. Масалан, йўл четига савдо, кўнгличолар, гастронимик, туризм ва санъатта иктисослашган махсус савдо ва кўнгличолар масканлар барпо этилмоқда. Мақсад хизмат кўрсатишни ривожлантириш, туризм салоҳиятини оширишдир. Шу орқали аҳоли бандлиги таъминланади. Даромади кўпаяди. Худудга “Туризм маҳалласи” мақоми берилиши эса ана шу ишларга янада унум ва барака келтиради. Янги ташаббуслар, кенг имкониятларга эшик очади.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Президент қарорлари – ҳаётда ва назоратда

ЁШЛАР – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИ



Алишер САЪДУЛЛАЕВ,
Ёшлар ишлари агентлиги
директори

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, Ёшлар ишлари агентлигида “марказий аппарат — тизим ташкилотлари — ҳудудий бўлинмалар — маҳалладаги ёшлар етакчилари” **технологик занжир**и асосида ижро интизоми янада мустаҳкамланди. Мазкур механизм асосида ҳафтанинг ҳар душанба кунини агентлик директори, ҳар жума кунини агентлик директорининг биринчи ўринбосари ҳузурида топшириқлар ижроси танқидий муҳокама қилиб боришмоқда, бу борада масъул ходимлар билан индивидуал ишлаш ва уларга кўмаклашиш йўлга қўйилди.

Ижро интизомини юқори даражада таъминлашда масъул ходимлар касбий маъласини ошириш мақсадида 2025 йил январь-май ойларида Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган график асосида 6 маротаба ўқув семинар ташкил этилди. Унда Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлиги масъул ходимлари ҳам иштирок этиб, Ёшлар ишлари агентлиги ходимларига услубий ва амалий кўмак кўрсатди. Натижада 2025 йилнинг ўтган даври мобайнида “Ijro.gov.uz” тизимидаги 563 та **топшириқ ижроси белгиланган муддатларда тўлиқ таъминланди.**

Жумладан, Президентимизнинг 2025 йил 14 февралдаги “Ёшлар тадбиркорлигини ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, **ишсиз ва бизнесини бошлаш истагид**аги 384,4 минг ёшни қўллаб-қувватлашга қаратилган “Ёшлар бандлиги дастури” қабул қилиниб, жорий йил 1 июнга қадар 161,5 мингнинг (42 фоиз) бандлиги таъминланди.

“**Давлатимиз раҳбарининг 14 февралдаги “Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида “Алоқабанк” томонидан “Ёшлар бизнеси” дастури амалга оширилиб, дастур доирасида 3698 та лойиҳага 449,6 миллиард сўм узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратилди ва 7869 та янги иш ўрнига ишсиз ёшлар жойлаштирилди.**

Учинчи ҳужжат — Президентнинг “Олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг ишга жойлашишга кўмаклашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида эса Миллий банк томонидан “Келажакка қадам” дастури ишга туширилди.

Бугунги кунга қадар ушбу дастур доирасида 22,7 минг битирувчи ишга

жойлаштирилди ва 1549 талабанинг 26,8 миллиард сўмлик бизнес лойиҳалари молия-лаштирилди.

“Ёшлар дафтери”га киритилган 5,8 минг ёшга субсидия ажратилиб, ўзини ўзи банд қилишга кўмаклашилди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 47,8 минг ёшга имтиёзли кредит ажратилди.

Президентимизнинг яна бир муҳим ташаббуси билан 2024 йил 5 апрелда “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилиниб, унга асосан, 2024 йилда 154,8 минг ёшга 57,1 минг гектар ер ажратилди ва 156,4 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди.

2025 йилда ҳам ушбу тизим давом эттирилиб, яна 4,8 минг ёшга деҳқончилик учун 2,5 минг гектар экин майдони ажратилди. Натижада 2474 та маҳалла “**ёшлар ишсизлигидан холи маҳалла**”га айланди. Бу йил кутилаётган ҳосилдорлик миқдори янада юқори. Чунки ёш деҳқонларимиз ердан унумли фойдаланиш бўйича муайян тажрибага эга бўлди.

Глобаллашув шароитида юксак билим-ли, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган, профессионал тайёргарликка

Бундан ташқари, хорижий тиллар, замонавий касблар ва китобхонликка оид “Ибрат фарзандлари”, “Мутолаа”, “Ustoz AI” ва “Қизлар академияси” каби лойиҳаларга 5,1 миллион ёш жалб этилди.

Ёшларнинг хорижий тилларга қизиқиши хорижий тиллар бўйича **халқаро сертификатни қўлга киритган 6,8 минг** ёшга имтиҳон топшириш билан боғлиқ **15 миллиард сўм** харажати қоплаб берилишида акс этмоқда. Натижада биргина халқаро “IELTS” имтиҳонидан **5,5 балл** олган ёшлар сони 2020 йилдагига нисбатан **5 баравар, 7-8 балл** олганлар **7,5 баравар, 8,5-9 балл** олганлар **24 баравар** ошди.

Шу ўрнида 2017 йилдан буён аънаваний равишда ўтказиб келинаётган “Ёш китобхон” танлови ҳақида батафсилроқ тўхталмоқчиман.

Танлов 3 та ёш тоифасида (10-14 ёш, 15-19 ёш, 20-30 ёш) маҳалла — сектор — туман — ҳудуд — республика bosқичларида ўтказилади. Шартлар ҳам такомиллаштирилган, энг кучли, замонавий китобхон ёшларни саралаб олишга йўналтирилган.

Унда иштирок этиш учун 10-14 ёшдагилар махсус шакллантирилган рўйхат асосида 40 номдаги, 15-19, 20-30 ёшдагилар 50 номдаги ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари, илмий-оммабоп асарларни ўқиши белгиланган.



эга, ўз юрти манфаатларига садоқатли, ватанпарвар авлодни вояга етказиш давлатимиз олдида турган энг улкан мақсадлардан биридир.

Шу боис, давлатимиз раҳбари томонидан бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, барча давлат ташкилотлари масъул мутасаддиларининг ёшлар билан ишлаш натижадорлигини ошириш бўйича алоҳида вазифалар белгилаб берилди.

Жумладан, бу йил оғир тоифадаги 70 минг ёш ҳуқуқини муҳофаза қилувчи органлар ходимларига **номма-ном** бириктирилиб, ўтган вақт давомида уларнинг **4,2 минг нафари ишга жойлаштирилди** ва 14,5 минг нафарининг ижтимоий ва маиший муаммолари ҳал этилди.

Қримноген вазиет оғир маҳаллаларда “**Жиноятга жазо муқаррар**” тамойили асосида 2132 маротаба жиноят муҳокама-си ва саёёр суд ташкил этилди, уларда 68,3 мингдан зиёд ёш иштирок этди.

Бу йилдан “**Шижоат ва ғайрат**” ҳарбий-спорт мусобақалари ўтказилиши йўлга қўйилиб, унга маҳаллалардан 284 минг ёш жалб этилди. Ушбу мусобақа ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маҳаллаларда ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари ҳамда ҳарбий қисмларда “Жасорат” ҳарбий йигинларини ўтказиш амалиёти йўлга қўйилиб, 11,5 мингта яқин ёш ҳарбий хизматга саралаб олинди.

Қўрилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган 5 ойида ёшлар жиноятчилиги **20,2 фоиз камайди**. Энг қувонарлик, **5584 та маҳалла “ёшлар жиноятчилигидан холи ҳудуд”га** айланди.

“**Ёш ташаббус олимпиадаси**”, “**Ёш китобхон**” қўриқ-танлови ва бошқа йирик лойиҳалар нафақат ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши, балки шахсий ривожланишида ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

Биргина жорий йилнинг ўтган даврида бундай маданий-маърифий тадбирлар, танлов, мусобақа ва лойиҳаларга **5 миллион** ёш қамраб олинганини мамнуният билан таъкидламоқчиман.



15 июнь — ШХТ ташкил топган кун

ИШОНЧ – ХАВФСИЗЛИК, ТИНЧЛИК ВА ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКДА РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ



Қобилжон СОБИРОВ,
Ўзбекистонда ШХТ Халқ
дипломатияси маркази
директори

Бошланиши 1-бетда

Демак, ишонч давлатлар ўртасидаги муносабатлар — халқаро алоқалар жараёнида жамиятнинг бошқа барча жиҳати билан боғлиқ энг муҳим ижтимоий шартдир. Шунингдек, уни жамият ёки давлат иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатувчи, ривожлантирадиган куч сифатида таърифлаш мумкин.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 2022 йили Самарқандда бўлиб ўтган саммити олдида Президентимиз халқаро ҳамкорликнинг универсал принцип ва нормаларга асосланган тизими издан чиқиб бораётганини глобал даражада давлатлар ўртасидаги ўзаро

“**Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 2022 йили Самарқандда бўлиб ўтган саммити олдида Президентимиз халқаро ҳамкорликнинг универсал принцип ва нормаларга асосланган тизими издан чиқиб бораётганини глобал даражада давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч чуқур таназзулга юз тутаетгани билан боғлаган эди.**

ишонч чуқур таназзулга юз тутаетгани билан боғлаган эди.

Замонавий дунё сиёсий, иқтисодий, психологик ва маданий жиҳатдан шиддат билан ўзгармоқда. Халқаро муносабатлар тизимида кенг қўламли ўзгаришлар юз бермоқда. Дунёнинг қайси нуқтасида ишонч барқарор экан, ҳам моддий, ҳам маънавий юксалиш шу жойда авж олмоқда.

Шу билан бирга, айрим ҳолларда айнан ишончсизлик оқибатида турли қуроли мижралар юзга келмоқда. Савдо муносабатлари издан чиқмоқда. Озёқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муаммолар янада кескинлашмоқда.

Давлатимиз раҳбари олий даражадаги турли анжуманлар минбаридеда туриб, **халқаро муносабатлардаги муваффақиятнинг асосий гарови халқлар ўртасидаги ишончнинг мустаҳкамлаш, давлатлар ўртасидаги ўзаро тушунишни янада чуқурлаштириш, ўзаро манфаатларни инобатга олиш ва тенглик эканини кўп таъкидлаган**. Хусусан, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг 2019 йилда ўтказилган бешинчи саммитида Президентимиз **мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги ишонч хавфсизлик ва барқарорликнинг энг муҳим шарт**и ҳамда **фундаментал асоси** эканини қайд этган эди.

Марказий Осиёдаги барча ижобий ўзгаришларни минтақада ишончнинг қайта шаклланиши билан асослаш мумкин. Қисқа муддатда юртимиз билан қўшни Қозғистон ва Тожикистон ўрта-қўшни борди-кеди алоқалари кун сайин мустаҳкамлашиб бораётгани негизда ҳам ўзаро барқарор ишончни кузатиш мумкин, албатта.

Ишонч — мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг муҳим элементи. Ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатишда барча мамлакат ишонч тизимига муҳтож. Чунки айнан ишонч барча иштирокчилар манфаатини бир йўналишга жамлаш, ўзаро самарали мувофиқликни юзга келтиришга имкон яратди. Бу туйғу хавфни

камайтиради, халқаро шартномалар ижросини янада мустаҳкамлайди. Ташқи муносабатларни зарур даражада мувозанатда ушлаб туради.

“Самарали халқаро ҳамкорлик бу — дунёда барқарор, ишончли ва фаровон таракқиётнинг энг муҳим омилдир. Айнан шундай ёндашув замонамизнинг долзарб муаммоларини баҳамжиҳат ҳал этиш, янги хавф-хатар ва ижтимоий ларзалардан ҳимояланиш учун энг аниқ, мақбул ва самарали йўл ҳисобланади”, деган эди давлатимиз раҳбари.

Бу эса, ўз ўрнида, давлат ва жамоатчиликнинг ўзаро муносабатларига янгича ёндашувларни, инсонлар онги ва кайфиятига ижобий таъсир қилиш механизминини, ахборот тарқатишнинг бошқа усулларини киритиш зарурлигини тақозо этади.

этиш гоёси ШХТ маконида ўзаро ишончнинг янги тизими шаклланишига асос яратди.

Кейинчалик Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 2021 йилда Туркменистонда бўлиб ўтган учинчи маслаҳат учрашувида Президентимиз Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик динамикасини сақлаб қолиш, унинг барқарорлиги ва бу жараён орқага қайтмаслигини таъминлаш учун халқ дипломатияси салоҳиятидан кенгроқ фойдаланиш зарурлигига яна бир бор эътибор қаратганди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу масалага қайта-қайта эътибор қаратиши бежиз эмас. Бинобарин, мутахассисларнинг таъкидлашича, дунёда глобал зиддият ва қарама-қаршилиқлар авж олаётган бир паллада айнан халқ дипломатияси ўз самимийлиги



ҳамда холислиги билан ўзига кўпроқ эътибор тортмоқда.

Давлатнинг расмий воситаларидан фарқли равишда халқ дипломатияси халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган бевоқифа ҳаракатлар мажмуидир. Бу ҳаракатда қатнашиш учун давлатлар ва халқларда умумий мақсад учун ҳамкорлик қилиш истаги мавжудлиги кифоя.

Охириги йилларда ШХТга аъзо барча давлатларда дипломатиянинг бу турига қизиқиш тобора ортмоқда. 10 та доимий аъзо мамлакатнинг 6 тасида халқ дипломатиясини институтлари шаклланди. Мазкур тузилмалар ўртасидаги муносабатлар, давлатимиз раҳбари тақлифиде алоҳида таъкидланганидек, ўзаро ишончга асосланаётгани эътиборга молик.

Ўтган 5-6 йилда халқ дипломатиясини институтларининг халқлар ўртасидаги ишончини мустаҳкамлаш, давлатлараро ўзаро тушунишни чуқурлаштириш, тенг-ликка асосланган уйғун манфаатларни шакллантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ижобий натижа бермоқда.

Халқ дипломатияси замирида олий қадриятлар: **тинчлик, хавфсизлик, ишонч, ўзаро манфаат, тенглик, бошқа халқлар билан яхши қўшничилик, адолат ва биргаликда ривожланиш истаги туради**. У мафзуравий ва синфий хурофотларни билмайди. Шунинг учун ҳам дипломатиянинг бу турига “халқ” сўзи қўшиб ишлатилади. Чунки унинг асосий сиёсий мақсади — турли соҳада мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни инсонлар-варлаштиришга қаратилган. Бундай алоқалар оддий инсонлар даражасида қанчалик мустаҳкам бўлса, давлатлар ўртасидаги ишончнинг ортишига ҳам ижобий таъсир этади.

Яна бир жиҳат шуки, **халқ дипломатияси фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун зарур**. Шунингдек, мамлакатдаги демократик механизмнинг бир қисмидир. Унинг ривожланиш даражаси, шубҳасиз, бутун жамият сиёсий тизими демократиясининг кўрсаткичи.

Узоқ вақтдан бери фақат дўстлик жамиятлари доирасида фаолият юритган халқ дипломатияси ҳозир қизиқиши, сеvimли машғулот ва касби орқали ҳар қандай ёшдаги одамларни бирлаштирувчи кучли ҳаракатга айланмоқда. Унинг мақсади ягона — мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, турли соҳада алоқаларни ривожлантириш.

Дунёда глобаллашув ва интеграция жараёни кенгайиб бораётган бир вақтда ўзаро ишончнинг ёрқин намунаси ҳисобланган халқ дипломатияси, аynикси, ШХТ маконида яхши қўшничилик муносабатлари ҳамда ҳар томонлама ҳамкор-ликни мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Адабий дўстлик — абадий дўстлик

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ – ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДАГИ ОЛТИН КЎПРИК

Жорий йил 9-14 июнь кунлари Бишкек шаҳрида “Чингиз Айтматов — туркий дунё келажаги” мавзусида халқаро форум бўлиб ўтди. Форум ишида Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат ва жамоат арбоблари, Қирғизистон жамоатчилиги, ТУРКСОЙ халқаро ташкилоти, Чингиз Айтматов халқаро институти вакиллари иштирок этди. Форум ташкилотчилари ТУРКСОЙ бош қотибияти, Чингиз Айтматов халқаро институти, шунингдек, Қирғизистон Фанлар академиясининг Чингиз Айтматов номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамда Қирғизистон Маданият, спорт ва ёшлар сиёсати вазирлиги ҳисобланади.



Акмал САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш қўмитаси аъзоси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, академик

ТУРКСОЙ — туркий дунё ЮНЕСКОси

Кейинги вақтда халқаро ва минтақавий доираларда АЙСЕКО ислом оламининг, Халқаро туркий маданият ташкилоти, яъни ТУРКСОЙ туркий дунёнинг ўзига хос ЮНЕСКО ташкилотига ўхшатилади. ТУРКСОЙ 1993 йилда Озарбайжон, Қозғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Туркменистон ва Туркия маданият вазирлари келишув натижасида таъсис этилган. Бугунги кунда ТУРКСОЙга 14 та давлат аъзо, шундан 6 таси ташкилот таъсисчиси ва 8 таси кузатувчи давлат. Қароргоҳи Туркия пойтахти Анкарада joylashgan. Ташкилот Бош қотиби лавозимида 2022 йил 31 мартдан атоқли кирғиз адаби **Султон Раев** фаолият юритмокда. ТУРКСОЙнинг мақсади туркий халқлар ўртасидаги биродарлик ва дўстлигини мустаҳкамлаш, умумий туркий маданиятни ёйиш ва уни келажак авлодлар учун сақлаб қолишдан иборат. ТУРКСОЙнинг аъзо мамлакатлар раҳбарлари ҳомийлигида амалга оширилаётган фаолияти жаҳонда юксак баҳолалиб, эътироф этилган. ТУРКСОЙ ҳомийлигида Туркий кенгаш, Халқаро турк академияси, Туркий маданият ва мерос жамғармаси каби ташкилотлар фаолият юритади. Бундан ташқари, ТУРКСОЙ кўплаб лойиҳаларда ЮНЕСКО, АЙСЕКО, МДХга аъзо давлатларнинг Гуманитар ҳамкорлик бўйича давлатлараро жамғармаси сингари ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик қилиб келмокда. Бишкекда ТУРКСОЙ ташкилотчилигида ўтказилган форум атоқли адабнинг маънавий мероси ва унинг аҳамияти туркий дунё келажаги учун нечоғлиқ муҳимлигини теран таҳлил ҳамда талқин этиш борасида том маънодаги жонли мулоқот майдонига айланди. Иштирокчилар Чингиз Айтматов гоёлари бутунги кунда ҳам, айниқса, замонамизнинг инсонпарварлик умуммолари шароитида долзарб бўлиб қолаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон 2019 йилда Туркий давлатлар ташкилотига (ТДТга) аъзо бўлганидан буюн ТДТ ва ТУРКСОЙ билан ҳамкорлик доирасида ўнлаб ташаббусларни илгари сурмокда. Хусусан, ТУРКСОЙ томонидан 2020 йилда Хива шаҳри Турк дунёсининг маданият пойтахти деб эълон қилинди, 2024 йилда Бухорода Туркий тилли давлатлар ёш ижодкорлари анжумани ўтказилди. Шунингдек, ўтган йили Ўзбекистон ташаббуси билан ишлаб чиқилган Туркий дунё хартияси қабул қилинди.

Чингиз Айтматов халқаро институти — янги туркий маърифат маркази

Форумнинг яна бир ташкилотчилиги — Чингиз Айтматов халқаро институти 2025 йил февралда Анкарада очилган. Институти ташкил этиш гоёсини Туркия давлат арбоби ва сиёсатчиси Давлет Бахчели илгари сурган.

Чингиз Айтматовнинг вафоти умумхалқ мотамига айланиб кетганди ўшанда. Чингиз Айтматов дафн этилган кунлари етти яшардан етмиш яшаргача ҳамма йнглади. Хорижий делегатлар вакиллари, Европанинг Чингиз оғанинг китобларини чоп этган ноширлари, турли мамлакатлардан келган ёзувчилар умумхалқ мотамига шерик бўлдилар. Эсимда, “Қирғизфильм” киностудияси “Айтматов билан видолашув” ҳужжатли фильмини ҳам яратганди. Чингиз Айтматовнинг ҳаёти ўзи айтгандай яқун топди. Ҳаёт дегани чиндан-да “**оптимистик якун топадиган фожиадир**”. У вафот этди, лекин ўзидан кейин инсон жони, унинг ҳис-туйғулари ва виждон тўғрисидаги мангу масалаларга бағишланган туганмас маънавий-адабий мерос қолдирди. Бу мерос эндиликда бутун дунёга зарур, чунки ҳозирги дунёда чинакам инсоний қадриятлар ўрнини истеъмолчи жамият қадриятлари эгалламокда ва одамларни Чингиз Айтматов айтган ўша “манкурт”ларга айлантирмокда. Дарвоқе, 2025 йил 10 июнь куни “**Чингиз Айтматов — туркий дунё келажаги**” мавзусидаги халқаро форум бошланғичидан олдин Отабейит ёдгорлик мажмуасида Чингиз Айтматовни хотирлаш маросими бўлди. Бу ерда мангу ором топган қатагон қурбонлари ва Чингиз Айтматовнинг ёрқин хотираси ёд этилди, ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйилди. Қуръони карим оятлари тиловат қилинди. Фикримизча, Отабейит қабристонига қатагон қурбонлари ва Чингиз Айтматовнинг ёрқин хотираси бирдек ёд этилгани замирида ўзига хос рамзий маъно бор. Чингиз Айтматовнинг отаси — раҳбар лавозимларда ишлаган **Тўрақул Айтматов** 1937 йилда қатагон қилиниб, 1938 йилда отишга ҳукм этилган. Бу ерда у ва сафошлари — кирғиз халқининг қатагонга дучор бўлган 138 нафар зиёли фарзанди шарафига хотира мажмуаси барпо этилган.



ҳамда Ғарб китобхонлари, газетхон-журналхонлари ва томошабинлари учун ҳам нуфузли ва қизиқарли эди. Чингиз Айтматов асарларининг ўта жозибали бўлиши муаллиф ақл-идрокининг фалсафий мантиси самарасидир. Аслида, унинг китоблари кишини сеҳрлаб қўяди, теран хаёлга чўмишга ундайди, нафис иқтидор ва гуманистик яхлитлиги билан фарқлини туради. Шунинг учун дунёда Айтматов ижодининг ихлосмандлари бисёр. ЮНЕСКО маълумотларида адиб асарларининг жаҳоншумул муваффақияти, унинг бутун дунёда тан олинини билан боғлиқ қийинчиликлар эълон қилинган: **XXI аср бўйсига Чингиз Айтматовнинг асарлари 168 та мамлакатда, 165 та давлат тилида, 67,2 миллион нусхада 830 марта нашр этилган**. Бу рақамлар, албатта, кундан кун ортиб бормокда. Адибнинг кўплаб асарлари асосида фильмлар ва сахна асарлари яратилган бўлиб, улар қизиқиш билан томоша қилинади.

Чингиз Айтматов уй-музейига Ўзбекистонда нашр этилган китоблар тақдим этилди

10 июнь куни форум иштирокчилари Бишкек шаҳрида joylashgan **Чингиз Айтматов уй-музейи**ни зиёрат қилди. Меҳмонларни атоқли адибнинг фарзанди, Чингиз Айтматов фонди президенти **Элдор Айтматов** кутиб олди. Уй-музей кутубхонасига Ўзбекистонда атоқли адиб ҳаёти ва ижодида бағишлаб чоп этилган янги китоблар тақдим этилди. Бу нашрлар орасида каминга қаламига мансуб “**Чингиз Айтматов фонди**” (“**Феномен Чингиза Айтматова**”) ҳамда “**Чингиз Айтматов: мумтоз адабиётнинг олтин ҳикматлари**” (“**Чингиз Айтматов: золотые афоризмы классической литературы**”) китоблари ҳам бор. Бу китобларнинг дастлабкисида мумтоз адибнинг ижодий мероси ва дипломатик фаолияти ҳақида сўз боради. Чингиз Айтматов асарларидан хабардорлигим, шунингдек, кўп йиллар давомида Тошкент ва Москва, Париж ва Брюссель шаҳарларида ёзувчи билан шахсан бўлиб ўтган суҳбатларимиз асосида тузилган унутилмас таассуротлар ҳамда фикр-мулоҳазаларим қорғозга туширилган. Кейинги китобдаги Чингиз Айтматов асарларидан териб олинган ноёб ҳикматли сўзлар буюк адибнинг номини зукко файласуф ва инсонпарвар сифатида мангуликка дохиллигича қолишдан яққол далолатдир. Ўзбек халқи улуг кирғиз адибнинг аксарият асарларини ўз она тилида анчадан буюн ва қайта-қайта мутулола қилиб келмокда. Кейинги йилларда мамлакатимиз наشريётларида адибнинг ўнлаб китоблари чоп этилган. Айниқса, 2015 йилда ёзувчининг **6 жилдли “Тўла асарлар тўплами”** нашр этилгани ўзбек китобхонлари учун ажойиб тўхфа бўлди. Бу асарларни таржима қилишда Асил Рашидов, Иброҳим Ғафуров, Суюн Қораев каби етакчи таржимонларнинг юксак маҳорати ва фидойийларча ижодий меҳнати таҳсинга лойиқдир. Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги “Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорини айна маънавий-маърифий жараёнга кучли туртки берди. Хусусан, 2023 йили Чингиз Айтматов таваллудининг 95 йиллиги муносабати билан “Ўзбекистон” нашриётда “**Чингиз Айтматов. Асарлар**” **10 жилдли тўплами** чоп этилгани катта маънавий-адабий воқеа бўлди. Давлатимиз раҳбарининг “**Чингиз Айтматов нафақат қирғиз эли, айна пайтда бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймо, Ўзбекистоннинг улкан дўсти эди**”,

деган фикри бежиз эмас. Чунки юртимиз, минтақамиз ва бутун туркий дунёда бу улуг ижодкорнинг китоблари кириб бормаган бирор хонадонини, унинг гўзал қисса ва романларини ўқимаган, улар асосида яратилган кинофильмлари томоша қилмаган бирор кишини топиш қийин.

Чингиз Тўрақулович дунё фуқароси эди. Унинг чуқур бадиий-фалсафий қарашлари, қаҳрамонларининг ҳаётга муваффақият чексиз эди. Атоқли адиб ўз ижодида жаҳон адабиётининг халқ ҳаёти билан боғлиқ йўналишларини тадқиқ этди. У Шарқнинг чуқур фалсафаси ва Европа адабиётининг энг сара аънаваларини ўзига мужассамлаштирди. **Чингиз Айтматов туркий дунё адабиётининг энг улкан намояндасидир. Шундай экан, келгусида Чингиз Айтматов тўла асарлари электрон тўпламини нашр этиш, айтматовшунослик жаҳон конгрессини ўтказиш, улуг адиб издошлари — ёш ёзувчилар форумларини ташкил этиш лозим деган фикрдамиз.**

Чингиз Айтматов — туркий дунё келажаги

Бишкек шаҳрида улуг адиб хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро форум айнан шундай номланганини қайд этгандик. Форум давомида ТУРКСОЙ Бош қотиби, таъкид қирғиз адаби Султон Раев “**Чингиз Айтматов туркий халқлар ўртасидаги олтин кўприкка ўхшайди**”, деган ҳикматли иборани тилга олди. Аслида, форум том маънода адиб меросини ва унинг туркий дунё келажаги учун аҳамиятини муҳокама қилиш майдонига айланди. Иштирокчилар ўзгараётган жаҳон тартиби шароитида туркий маданиятни сақлаб қолишнинг муҳимлигини таъкидлади. ТУРКСОЙ Бош қотиби қайд этганидек, “**Биз яшаётган дунё шиддат билан ўзгармокда: кучлар мувозанати силжияпти, чегаралар ўзгаришти ва технологиялар ривожланишда давом этмокда. Бироқ барча бундай ўзгаришлар орасида инсоннинг руҳи, виждони ва асосий қадриятларини сақлаб қола оламизми? Мана шу савол устида чуқур ўйлаб қўриш керак**”. Чингиз Айтматовнинг туркий дунё учун аҳамиятига ургу берар экан, Султон Раев яна бундай деди: “**У нафақат қирғиз халқининг, балки бутун туркий дунёнинг умумий қадрияти, умумий овози ва умумий онгидир. Унинг асарлари туркий халқларнинг бутун дунёга етказилган бадиий сўзидир. Айтматов инсониятга туркий маданиятни танитган мутафаккирдир**”. Ўз навбатида, Чингиз Айтматов халқаро институти раҳбари, профессор Иляс Тупсакал туркий маданиян аънавалари ўрганиш ва тарихий онгни тадқиқ этишнинг муҳимлигига эътиборни қаратди. У Чингиз Айтматов асарларида туркий дунёнинг умумий қадриятлари акс этганини қайд этди. Иляс Тупсакалнинг фикрича, буюк инсонларнинг ҳаёти халқлар ҳаётига ўхшайди. Улар миллатимиз ўтмишининг кўзгуси ҳам, келажатининг пойдевори ҳамдир. Шу маънода, улуг адибнинг асарлари тарихимиз, муҳаббатимиз, умидимиз ва дардимиз ҳақида ҳикоя қилади. Бу асарлар туркий халқлар ёшларига уларнинг ўтмиши ҳақида сўзлаб беради ва келажакка йўл кўрсатади. Чингиз Айтматовнинг “**Мен учун ўзбеклар ва қирғизлар бир халқ, бу менинг халқим**”, деган машҳур сўзлари бор. XX асрнинг 80-йилларида собиқ марказ томонидан уюштирилган “Ўзбек иши”, “пахта иши” каби адолатсиз сиёсий кампаниялар пайтдаги Чингиз Айтматов адолат ва ҳақиқат жарчиси сифатида халқимизнинг шаъни ва қадр-қиммати мардларча ҳимоя қилган. Форумда камини шулар ҳақида ҳам тўхталиди.

“**Чингиз Айтматов деярли 80 йиллик умрининг қарийб 20 йиллини элчи мартабасида ўтказди. Дастлаб буюк термоядро мамлакатининг, сўнгра советлардан кейинги энг йирик Россия давлатининг, кейинги 15 йил ичида эса ўз ватани — кичкинагина тоғли мамлакатнинг буюк элчиси сифатида кўп йиллик дипломатик йўлни муваффақият билан босиб ўтди.**

Буюк адиб давлатимиз томонидан “Дўстлик” ва “Буюк хизматлари учун” орденлари ҳамда Туркий давлатлар ташкилотининг Алишер Навоий номидаги мукофоти билан тақдирланган. Улуг адиб хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидан бирига унинг номи берилгани ҳам биз учун жуда муҳим.

Чингиз Айтматов — элчи ва халқ дипломати

Дипломатия тарихи дипломатик фаолият билан адабиёт ва ёзувчи маҳорати ўртасида тигиз боғлиқлик борлигини кўрсатади. Чингиз оғанинг таъбири билан айтганда, “**Ёзувчи билан дипломатнинг касблари бир-бирига ўхшаб кетади. Униси ҳам, буниси ҳам халқларни яқинлаштиради, фақат, албатта, ҳар бири ўз моҳиятига қараб иш қўради**”. Чингиз Айтматов деярли 80 йиллик умрининг қарийб 20 йиллини элчи мартабасида ўтказди. Дастлаб буюк термоядро мамлакатининг, сўнгра советлардан кейинги энг йирик Россия давлатининг, кейинги 15 йил ичида эса ўз ватани — кичкинагина тоғли мамлакатининг буюк элчиси сифатида кўп йиллик дипломатик йўлни муваффақият билан босиб ўтди. Чингиз Айтматов жаҳон дипломатияси тарихида учта давлатнинг элчиси сифатида ишлаган ноёб шахсдир. У Люксембург Буюк Герцоглигида собиқ СССРнинг биринчи ва Россия Федерациясини биринчи элчиси, Қирғиз Республикасининг биринчи элчиси (айни вақтда ўриндошлик билан тўғта мамлакатда: Бельгия, Франция, Нидерландия ва Люксембург Герцоглиги қироликларига, яъни “Бенилюкс” давлатларида элчи) эди. Чингиз оға бир томонлама дипломатия майдонидагина эмас, балки кўп томонлама дипломатия майдонида ҳам фаолият юритди. **Чингиз Айтматов Европа ҳамжамиятлари комиссиясида, НАТО ва ЮНЕСКОда ўриндошлик асосида Қирғизистоннинг биринчи доимий вакили эди.** Бундан ташқари, у бошчилик қилган элчихона Қирғизистон ҳукуматининг Жаҳон божхона ташкилоти, Халқаро арбитраж суди ва бошқа бир қанча халқаро ташкилотлардаги доимий вакили вазифасини бажарган. Яна бир муҳим жиҳат: Чингиз Айтматов элчилик вазифасига расмий тайин этилмадан олдин **Иссиқкўл форуми** халқаро ҳаракати асосчиси ва улзуксиз раҳбари сифатида халқ дипломатияси соҳасида фаол ишлаган. Улуг адиб ташаббуси билан Иссиқкўл форуми турк маданиян тамаддунлар туташган жойда пайдо бўлди. **Иссиқкўл форумини Рим клубининг Осиёдаги йўлдоши деса бўлади.** Кўпгина хоҳларда уларни бир-бирига ўхшатадилар ва Иссиқкўл форуми Рим клуби билан маънавий жиҳатдан яқин дейдилар. Янада эътиборлиси, Президентимиз таъкидлаганидек, “**Улуг адиб нафақат бетакорр ва гўзал асарлари, айна пайтда жўшқин ижтимоий фаолияти билан ҳам халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни, яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш борасида катта хизмат қилди. У, хусусан, 1995 йили Тошкентда ташкил этилган Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеясининг ташаббускорларидан бири бўлган эди**”. Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси, таъбир жоғ бўлса, минтақамиз учун ўшанда ЮНЕСКО вазифасини ўтаган. **Мазкур ассамблеяни ҳатто бутунги ТУРКСОЙнинг пойдевори, ўзига хос дебочаси десак бўлади.** Шу нуқтани назардан, Чингиз Айтматовнинг ҳаёт ва ижод йўли туркий дунёда қанча кўп ўрганилса, шунча мақбул, зарур ва манфаатлидир. Хулоса қилиб айтганда, Бишкек форумида Чингиз Айтматовнинг Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш, минтақамизнинг порлоқ келажакини таъминлаш, туркий халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ва бутун инсониятни асраш йўлида катта саъй-ҳаракатлар қилгани атрафлича эътироф этилди. 2028 йили бутун дунёда Чингиз Айтматов таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланади. Ушбу кутлуг санага тайёгарлик доирасида яна кўплаб китоблар нашр этилиши, тасвирий санъат асарлари, ҳужжатли ва бадиий фильмлар яратилиши, адибнинг уй-музейи тубдан модернизация қилиниши кутилмокда.

6

2025 йил 14 июнь, 121-сон

Албатта ўқинг!

Зимистон

(“Сўз латофати” китобидан)

Тилимизда зимистон деган сўз бор. Боғистон, гулистон сўзлари каби чиройли, ёруғ калима. Лекин негадир зулматни билдиради. У аслида тиниқ ва оппоқ сўз. Баҳористон, тобистон қаторида туради. Форс ва рус тиллари қариндош бўлганидек, зимистон русча зима сўзи билан эғизак кишининг ўзига хос хусни, таровати бор бу сўзда. Баҳористон — баҳор, тобистон — ёз, зимистон — қиш. Лекин биз, қайсар халқ қоронғи кечани зимистон деймиз ва сира фикримиздан қайтмаймиз. Шу маъно билан лугатларга киритиб, қонунлаштириб олганмиз.



Ажабо, қиш қандай қилиб қоронғига айланди? Бу икки сўз тамоман бошқа-бошқа тушунчалар-ку! Бу хатонинг сабабини топишга бир чистон ёрдам қилди:

Ялдо кечаси бирдур, бир йилда бир ялдо, Ё раб, бу нечук ялдо? Бир ойда икки ялдо! Ялдо кечаси кишининг энг узун, энг қоронғи туни. Ҳозирги йил-ой-кун — календар ҳисоби бўйича йигирма иккинчидан йигирма учинчи декабрга ўтар кечаси. Чистоннинг, яъни жумбоқнинг маъноси: Ялдо кечаси бир йилда бир келади. Лекин бир ойда икки ялдо бор. Топ-чи, бу қандай ялдо? Жавоб: ёрнинг юзи — ой, икки ўрим сочи қоралиғи ва узунлиги билан — ялдо кечаси. Бир ой юзги ёр икки ўрим сочини ташлаб қўйса, бир ойда икки ялдо бўлади. Гўзал ташбиҳ.

Қарангки, бир жумбоқ бошқа жумбоқни ечишда кўмаклашиб турибди. Қиш кечасининг узун ва қоронғилиги учун зулматли тун зимистон қоронғиси дейилган, яъни қиш қоронғиси. Лекин биз гапни қисқа қилишга устамиз-ку. Ассалому алайкум демаймиз, салом деймиз қўямиз. Қалайсан, деган сўзимиз узундан узоқ ахвол сўрашиш ўрнига ўтади. Зимистон қоронғисини ҳам қисқа қилиб зимистон дея қолдик. Тилшунос олимларимиз барака топсинлар ҳалойиқнинг айтгани бўлақолсин деб, лугатларда зимистонга қоп-қоронғи кеча дея изоҳ бердилар. Хато қонунчи тус олди.

Хунук деган сўзини биз кўрсиз, бадбашара деб тушунамиз. Аслида, бу сўз совуқ дегани. Ташқари хунук, иссиқ кийиниб ол, десак тўғри бўлади. Лекин бундай деб айтсак, қулги бўламиз. Ажабо, со-вуқ маъносидagi сўз қандай қилиб кўрсизга айланди? Бунга ҳам са-баб — қисқартишга ўчилигимиз. Аввалда уни совуқ маъносига тўғри ишлатганмиз. Туркчи совуқ одамни туркчи хунук деганмиз. Кейинча-лик турк тушиб қолди, хунукнинг ўзини айтдиган бўдик. Тилчи-ларимизга яна раҳмат, буни ҳам расмийлаштириб берди.

Ўзлар васили таманно айласан наеми ўлай, Ўза бир дил ҳамки васлингни таманно айласа.

Таманно — истак, хоҳиш, орзуни аңглатди. Биз таманно деб нозу қарашмани, танноз аёлни айтамыз. Бундай маъно ўзгаришига

66

Ғазал сеҳри

Шоир қалбининг фиғони

Инсон юраги ва тафаккури ҳаддан зиёд севинчини ҳам, ғамни ҳам қабул қилолмаслик хусусиятига эга. Туйғуларнинг офатли сели кишини телба қилади. Шоир ўз жонини жунун, яъни телбалик водийсига мойил кўради. Бузилган ҳаёти — рўзғори уни ақлдан оздирганини, энди телбаликни бўйинга олиб, дашту саҳролар кезишдан ўзга иложи қолмаганини ва телбалик — бузиш, вайрон қилиш экан, демак, бузилган ҳаётини бир йўла вайрон қилмоқ тилагини фарёд билан ифшо қилади.

Жунун водийсига мойил кўрармен
жони зоримни,
Тилармен бир йўли бузмок
бузулгон рўзгоримни.

Улуғ Навоийнинг ҳар бири бир жаҳон маъно, бир олам ҳис-туйғу ифода қилгучи байтларини такрор-такрор ўқиб, ҳар сафар кўнглимиз сурур ва ҳаяжон билан тўлади, ҳар сафар бу олмос сатрларнинг янги қирра-ларини кашф қиламиз, янги-янги маъно тов-ланишларини кўриб ҳайратланамиз.

Мана шу мағла билан бошланувчи ғазал ўзбекинг ҳонадонда дам-бадам меҳмон бўлади. Уни машҳур ҳофизларимиз мақом йўлларида жуда таъсирли икром этган.

Бу ғазал дунёнинг ғаму андуҳидан зар-добга тўлган шоир қалбининг афғонидир.

Инсон юраги ва тафаккури ҳаддан зиёд севинчини ҳам, ғамни ҳам қабул қилолмас-лик хусусиятига эга. Туйғуларнинг офатли сели кишини телба қилади. Шоир ўз жони-ни жунун, яъни телбалик водийсига мойил кўради. Бузилган ҳаёти — рўзғори уни ақл-дан оздирганини, энди телбаликни бўйинга олиб, дашту саҳролар кезишдан ўзга иложи қолмаганини ва телбалик — бузиш, вайрон қилиш экан, демак, бузилган ҳаётини бир йўла вайрон қилмоқ тилагини фарёд билан ифшо қилади:

Жунун водийсига мойил кўрармен
жони зоримни,
Тилармен бир йўли бузмок
бузулгон рўзгоримни.

Шоир дунёдан шунчалар кўнгли қолган, совтангки, оқибатсиз одамлардан шунчалар меҳри қайтганки, бу ҳаётдан ҳеч бир ни-шонсиз йўқ бўлиб кетишини тилайди. Инсон

жисми-ку хоки ғубор бўлмоққа маҳкум, ле-кин шоир истаги:
Фалак бедодидин гарчи мен
хоки ғубор ўлдуи,
Тилармен, топмазайлар
тўтиёлиғиза ғуборимни.

Яъни зolim одамлар билан мени тириклигимда хўрладилар, қадримга етмадилар. Вақт ке-ларки, менинг одамларга кўргузган меҳру садокатим, фидойилигим аён бўлар. Киши-лар менинг қадримга етарлар, мазорим хоки-ни кўзларига тўтиё қиларлар. Лекин тирик-лигимда бедодлик қилганлар мен дунёдан ўтгач, ўқинмоқлари бенаф, кўзларига тўтиё қилмоқ учун ғуборимни топмазайлар. Ушан-да, эй аҳли ғафлат, Навоий қайга аям этти деб сўраманг, мен тириклигимдаёқ ихтиёриб жи-ловини қазонинг қўлига бериб қўйганман:

Деманг, қай сори азм эткунг,
манга йўқ ихтиёи, охир
Қазо илҳига бермишмен
инони ихтиёримни.

Ошиқ дунёнинг жабури ғажосидан кўп қони қишлар тўқди. Оқибат қалбидида ўша қон ёшлар ҳам қуриб тамом бўлди, фақат заъфарондек саргайган юзи қолди. Шоир бу ҳолатни ҳайратомуз ташбиҳга боғлайди: зolim фалак менинг баҳоримни олиб, ҳазон фаслини менга берди. Бу лолдек қон ёшла-ридан намоеён бўлиб турибди:

Тузанди ашик гулзун, энди қолмиш
заъфароний юз,
Фалак зулми бадал қилди
ҳазон бирла баҳоримни.

Навоий даҳр зулмидан бошига ёрилган балоларни байтдан байтга қучлироқ фарёд

билан баён қилади. Биринчи байт ошиқнинг “жунун водийсига мойил” бўлганини, ик-кинчи байт дунёдан тамом йўқ бўлиб кетиш тилагини ифода қилса, ғазал сўнгига яқин шоир буларнинг барчасидан ортиқ офатни қаламга олади: бу офат телиба бўлишдан ҳам, дунёдан беному нишон кетишдан ҳам оғир бир офат. Бу — ёру диёрдан жудо бўлиш му-сибати. Навоий шундай ёзади:

Дийрим аҳли бирла ёрдин бошимга
юз меҳнат,
Не тонг, бошим олиб кетсам,
қўб ёру дийримни.

Яъни агар мен ёру дийримни ташлаб бош олиб кетар бўлсам, бунинг боиси ёрдан ва дийрим одамларидан бошимга минг балолар ёққандир. Тақдир менинг бошимга солган бу савдо шундай оғир савдоким...

Ёмон ҳолимга бағри оғригай
ҳар кимсаким кўрағи,
Бағир парғоласидин
қонча булганган узоримни.

Бағрим пора-пора бўлганидан қонга бўялдим, бу ҳолимни кўрган ҳар бир кимса-нинг бағри оғримай иложи йўқ.

Тириклик шоирнинг наздида — дард. Бу дарднинг давоси эса ёлғиз ўлим. Асли ша-робдан келган бош оғриқнинг давоси ша-роб. Аммо шоир учун тириклик шаробининг дафъи хумори захри қотилдир.

Ҳаётим бодасидин саргаронмен асру,
эй соқий,
Қадаҳқа захри қотил қуй,
дади дафъ эт хуморимни.

Яъни ҳаёт бодасини ичиб бошим пари-шон, эй соқий, қадаҳқа заҳар қуйиб бер-гин-да, менинг бошим оғригини даф эт. Чун-ки бу дунёда ўлмай туриб тинчимақ мумкин эмас, шу боис, мени дардлардан озод қил-моқчи бўлсангиз, бору йўғимни ёқинг:

Жаҳон тарқини қилмай чунки
тинмоқ мулким эрмастур,
Навоий, қил мени озод ўртаб
йўзу боримни.

Навоийнинг бу машҳур ғазали фалак бедодидан, замон бедодидан шоирнинг чеккан ноласи бўлиб, неча асрлар оша де-вондан девонга кўчирилиб, оғиздан оғизга ўтиб, ҳам қитиба varaқларида, ҳам ашула-лар қанотида бизгача етиб келди. Бу кун биз — улуг бобомизнинг олис набиралари бекиёс истеъдод қаламидан тўқилган мана шундай сатрларни ўқиб, эшитиб, онгимиз ва юрагимиз билан баҳрамандлик топамиз, узоқ-узоқ замонларнинг садосини тингла-гандай бўламиз:

Жунун водийсига мойил кўрармен жони зоримни...

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

МЕЗОН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

14 июнь — Бутунжаҳон донорлар куни

2005 йил май ойида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти халқаро ассамблеясида давлатларнинг соғлиқни сақлаш вазирлари яқдиллик билан беғараз қон донорлигини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги таклифни маъқуллаган эди. Шундан буён ҳар йили 14 июнь Бутунжаҳон донорлар куни сифатида кенг нишонланади. Жумладан, юртимизда ҳам.

КИМЛАР ДОНОР БЎЛА ОЛАДИ?

Мамлакатимизда ноёб юрак операция-лари, инсон тана аъзоларини кўчириб ўтказиш каби мураккаб жарроҳлик ама-лиётлари йўлга қўйилгани ҳамда хавфли касалликлар диагностикаси яхшиланиши сабабли сифатли қон компонентларига эҳтиёж янада ортди. Шу боис, беғараз до-норлик ҳаракатини ривожлантириш, аҳо-ли орасида кенг тарғиб этиш, қон қўйиш станцияларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қарати-ляпти. Жумладан, “Донорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш тизими тақомиллашти-рилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатла-рига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонунга биноан қатор янги-ликлар киритилди. Унга кўра, “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўкрак ни-шони билан тақдирланган шахсларга бир-йўла бериладиган пул мукофоти миқдори оширилиб, базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ)нинг 15 баробари этиб белгиланди. Ваҳоланки, илгари бу рақам БХМнинг 5 баробари миқдорига эди.

Шунингдек, ушбу кўкрак нишони билан тақдирланганлар ўзи учун қулай вақтда қон қўйиш меҳнат таътилига чиқиши мумкин. Шаҳар йўловчи транспортдан (йўналишчи ва йўналишсиз таксилардан ташқари) бепул фойдаланади. Санаторий-курортларда даво-ланиш учун эса йўланмани наватсиз олиш ҳуқуқига эга.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизматидан олинган маълумотга кўра, ҳо-зир мамлакатимизда Республика қон қўйиш маркази, Тошкент шаҳри “Қон препаратла-ри” ИИЧК, 13 та ҳудудий ва 2 та республика тасарруфидagi қон қўйиш станцияси ҳамда даволаш муассасаларининг 11 та қон қўйиш бўлимида қон ва таркибий қисмлари йиғил-моқда. Мақсад — даволаш муассасаларини керакли донорлик қон препаратлари ва ком-понентлари билан таъминлаш.



ЖССТ-тавсиясига кўра, аҳолини қон тарки-бий қисмлари билан таъминлаш учун қон топ-шириш сони 1000 кишига камида 10 нафар ёки аҳолининг 1 фоизига тўғри келиши керак. Юр-тимизда бу кўрсаткич 2024 йили 1000 кишига 9 нафарни ташкил этди. Натижада ўтган йили 80 минг 79,26 литр эрмасса, 79 минг 16,04 литр плазма, 3226,01 литр тромбоконцентрат ва 5312 доза криопреципитат йиғилди. Жорий йилнинг ўтган беш ойда эса 65 минг 806,58 литр донор қони йиғилди.

Албатта, бу кўрсаткични янада ошириш мумкин. Шу мақсадда Республика қон қў-йиш марказининг ҳудудлардаги қон билан ишлаш хизмати муассасаларига давлатимиз томонидан 13 та кўчма донорлик комплекси — махсус жиҳозланган “Isuzu” автобуслари берилди.

Бундан ташқари, авваллари донор бўлиш учун тегишли ташкилотлардан жуда кўп маълумотнома сўраларди. Ҳозир эса бун-дай чеклов йўқ. Донордан фақат шахсини

тасдиқловчи ҳужжат — паспорт ёки иден-тификация ID картаси ёхуд янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси, ҳарбий хизматчилар эса ҳарбий ҳисобга олиш ҳуж-жатлари (ҳарбий гувоҳнома ёки офицернинг шахсий гувоҳномаси) талаб этилади, холос. Корхона ва ташкилотлар, уюшган жамоалар-дан мурожаатлар бўйича қон хизмати муас-сасаларининг махсус мобил бригадаси до-норлар манзилига бориб, улардан қон олиб келиши ҳам мумкин.

Юртимизда 18 дан 60 ёшгача бўлган, вазни 50 килограммдан юқори, гемогла-бин миқдори эркаларда 128, аёлларда 120 бўлган ҳар бир шахс донор бўлиши ҳамда йилга 4 марта қон топириши мумкин. Ҳар бир топирилган қоннинг максимал миқдори 450 миллилитр.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ҒАЛАБА МЕНТАЛИТЕТИ ШАКЛЛАНГАН ЭЛ ҲЕЧ ҚАЧОН ОРТГА ЧЕКИНМАЙДИ

Футбол шунчаки ўйин эмас. Бу — юраклар зарби, орзулар палласи. Мана, ўша унутилмас онлар! Нафаслар тўхтади. Кўзлар экранларга қадалди. Кимдир дуо қилди, кимдир кўзидаги ёшни яширди. Аммо барча ўзбекистонлик юраги бир зарбда урди. Бу зарбнинг оҳангига эса бир сўз жаранг топди: ҒАЛАБА!



Футбол бўйича миллий терма жамоамиз навбатдаги мардонатор ғалабаси билан яна бир бор жаҳон футбол олами эътиборини ўзига қаратди. Бу ғалаба оддий ғалаба эмас. Бу сабрнинг, меҳнатнинг, фидойиликнинг, ватанпарварликнинг меvasиди. Узоқ йил-лик тайёргарлик, минглаб машгулотлар, ўн-лаб синов ва мағлубиятлардан сўнг келган ҳақиқий ютуқдир.

Кимдир гол уради, кимдир тўпни қайта-ради, аммо улар майдонга осон чиққан эмас. Зеро, уларнинг елкасида оғир юк — халқ ишончи турганди. Футболчиларимиз зим-масндаги ана шундай залворли масъулятни чуқур аңлагани ҳолда халқ ишончини тўла оқлади.

Мана шу ергача босиб ўтилган йўлдаги бахсларда рақиб томон йўлланган ҳар бир зарба “Ўзбекистон учун!” деган юрак садоси эди. Майдоннинг ҳар қаричида кечган кес-кин курашларда йигитларимизга уларнинг Ватанга муҳаббати куч берди, мадад бўлди. Айнан шу куч манаман деган рақиблари-мизни ер тишлатди, шу тариқа янги тарих ёзилди.

Бу сафар фақат спорт эмас, руҳий ғалаба ҳам қўлга киритилди. Ҳар бир футболчи ўз ҳаракати билан ёшларга намуна, келажақ ав-лодга илҳом, ватанга садоқат намунаси бўла олди. Улар майдонда эмас, тарихда ҳам ғала-ба қозонди.

Ўзбекистон халқи учун футбол фақат ўйин эмас. Бу — бирдамлик, ягоналик, жипслик тимсоли. Ғалаба оқшоми юртимиз-нинг барча ҳудудида катта байрам тантанаси-га айланди. Барча бир бўлиб, “Ғалаба!” дея ҳайқирди. Майдонлар тўлди, байроғи-миз ҳилпиради, кўнгиллар қувончдан яйра-ди. Ҳар бир юракда фахр, кўзларда қувонч ёшлари — бу халқимизга хос туйғулар.

Ушбу тарихий воқелик биз буюк халқ эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Бизда ирода, фидойилик, ор-номус бор. Терма жа-моамиз буни дунёга исботлади. Йигитлар майдондаги бахслари оркали халқнинг овози

GAZETADAGI MATERIALLARNI LOTIN E'ZUVIGA ASOSLANGAN ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ	Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ	Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилимайди. Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сахифаланди. Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-646. 36191 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.	Навбатчи муҳаррир: Жонибек Алиқонов Мусаххас: Шерзод Маҳмудов Дизайнер: Зафар Рўзиев Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-й Ўза яқуни — 20:50 Топирилди — 00:15
Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz			“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-йй.	